



**Volume 3, Issue 3, 2021**

# **Journal of Physics and Technology Education**



<https://phys-tech.jspi.uz/>

**Chief Editor:**

**Sharipov Shavkat Safarovich**

Doctor of pedagogy, Professor, Rector of  
Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

**Deputy Chief Editor:**

**Bekmirzaev Rakhmatulla Nurmurodovich**

Professor of Jizzakh State Pedagogical Institute,  
Uzbekistan

**Orishev Jamshid Bahodirovich**

Teacher of Jizzakh State Pedagogical Institute,  
Uzbekistan

**Members of the editorial board:**

**Sodikov Khamid Makhmudovich, PhD**

**Ismailov Tuychi Djabbarovich, senior teacher**

**Muminov Ismail, dotsent**

**Kholmatov Pardaboy Karabaevich, dotsent**

**Umarov Rakhim Tojievich, dotsent**

**Murtazaev Melibek Zakirovich, dotsent**

**Abduraimov Sherali Saidkarimovich, PhD**

**Taylanov Nizom, senior teacher**

**Tagaev Khojamberdi, senior teacher**

**Editorial Representative:**

**Jamshid Orishev**

Phone: +998974840479

e-mail: [orishev-forish@inbox.uz](mailto:orishev-forish@inbox.uz)

[jamshidorishev@gmail.com](mailto:jamshidorishev@gmail.com)

**ONLINE ELECTRONIK  
JOURNAL**

“Fizika va texnologik ta’lim” jurnali

Jurnal “Физико-технологического  
образование”

“Journal of Physics and Technology  
Education”

**Indexed By:**



**Published By:**

<https://phys-tech.jspi.uz/>

Jizzakh State Pedagogical  
Institute, Uzbekistan



## ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

*Мамажоновна Камола<sup>1</sup>, Джалилов Собир<sup>2</sup>, Норбоев Бекжон<sup>2</sup>*

*<sup>1</sup>Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси,*

*<sup>2</sup>Технологик таълим йўналиши талабалари*

*e-mail.matajonovak@jspi.uz*

*Аннотация.* Ушбу мақолада умумий ўрта таълим мактабларида технология фанини ўқитишда сўнги йилларда учраб келаётган муаммолар келтирилган ва ушбу муаммоларни ҳал қилишнинг айрим йўллари кўрсатиб ўтилган.

*Калит сўзлар:* технологик таълим, лойиҳалаш, дарс машғулотлари, техник-технологик, умумий ўрта таълим мактаблари

\*\*\*

*Аннотация.* В данной статье представлены проблемы, возникшие в последние годы при обучении технологиям в общеобразовательных школах, и показаны некоторые пути решения этих проблем.

*Ключевые слова:* технологическое образование, дизайн, уроки, технико-технологические, общеобразовательные школы.

\*\*\*

*Annotation.* This article presents the problems that have arisen in recent years in teaching technology in general education schools, and shows some ways to solve these problems.

*Key words:* technological education, design, lessons, technical and technological, secondary schools.

Республикамиз умумий ўрта таълим мактабларидаги олдинги “Меҳнат таълими”, бугунги кундаги “Технология” фани узок вақт давомида модернизация қилинмаганлиги сабабли сўнги йилларда ушбу фанда кўпгина жиддий муаммолар юзага келди. Жумладан:

- умумий ўрта таълим мактабларида технология дарсларини фан материалларининг мазмунини ўқувчиларнинг ўзлаштиришига қизиқмайдиган, фанни ўқитиш методикасини билмаган ва зарур ваколатларга эга бўлмаган, бошқа профилли ўқитувчилар олиб бориши;

- “Технология” фани мақоми пасайиб, умумтаълим мактаблари ўқув режасида дарс соатларининг қисқариши;

- ихтисослаштирилган синф хоналари ва фан бўйича дарсларни ўтказиш учун ўқув устахоналарини етишмаслиги;

- асбоб-ускуна ва мосламаларнинг мавжуд эмаслиги, маънавий эскирган ускуналарни замонавий асбоб-ускуна ва мосламалар билан янгиланмаганлиги;

- техника ва технологик йўналишдаги ўқувчиларнинг синфдан ташқари ишлари ташкил қилинмаганлиги ва бошқалар.

Мактаб ўқувчиларини технологик ўқитишнинг янгиланган мақсад ва вазифаларига кўра, республикамиз умумий ўрта таълим мактаблари “Технология” фанини тубдан модернизация қилиш ва ўқувчиларга технологик таълим бериш кераклигини замон талаби кўрсатиб турибди.

Технологик таълим – бу ижодий технологик тафаккурни ривожлантириш, технологик қобилиятлар тўплами, шахсий фазилатлар: ижтимоий мослашувчанлик, рақобатбардошлик, касбий фаолиятга тайёргарлик орқали ўқувчилар шахсининг технологик, экологик, иқтисодий маданиятини шакллантиришга қаратилган ўқув ва тарбиянинг ташкил этилган жараёнидир.

Технологик таълим мазмунини амалга ошириш натижаси трансформатив амалиёт билан боғлиқ бўлган муҳитда фаол ва мустақил ҳаракат қилишга тайёр бўлиши керак бўлган ўқувчиларни тайёрлашдан иборатдир.

Бунинг учун умумий ўрта таълим мактабларида асосий учта вазифани амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, умумий ўрта таълим мактаблари давлат таълим стандартида “Технология” фанини ўқитиш орқали ўқувчиларнинг ижтимоий, шахсий ва когнитив таълим-тарбия беришни кўзда тутиш керак, яъни:

- илмий-назарий ва технологик билимларни ўзлаштириш жараёнида дарс машғулоти ва лойиҳалаш-технологик фаолиятни амалга ошириш;

- техника ва технологиялар дунёсини англаш, материалларнинг хусусиятлари ва хоссаларини ўрганиш, техник тизимлар ва технологик жараёнларни бошқариш имкониятларини ўрганиш;

- мамлакатнинг урф-одатларини, анъанавий ҳунармандчилик ва амалий-безак санъати маҳсулотларининг маданий ва миллий хусусиятларини ўрганиш, материалларнинг бадий ишлов бериш ва бадий дизайннинг ҳар хил турларини ўзлаштириш;

• иш жойини ташкил қилишдан тортиб, касбий имтиёзларни аниқлашга ҳамда касбий ва шахсий ривожланиш режаларини тузишга қадар меҳнат, ўзгарувчан фаолият бўйича ўқувчиларнинг ўзини ўзи аниқлаши.

Иккинчидан, "Технология" фани дарс машғулотларида ўқитилиши кўзда тутилган мавзуларни олдиндан шундай лойиҳалаш керакки, натижаси кўйидагиларни акс эттириши керак:

- жамиятнинг прогрессив ривожланиши учун техника ва технологияларнинг роли тўғрисида хабардорлик;
- техносферанинг яхлит кўринишини, технологик маданият ва меҳнат маданиятининг моҳиятини шакллантириш;
- саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, энергетика, транспорт, хизмат кўрсатиш технологияларини ривожлантиришнинг ижтимоий ва экологик оқибатларини тушуниш;
- ўқув тадқиқотлари ва лойиҳалаш фаолияти услубларини ўзлаштириш, ижодий муаммоларни ҳал қилиш, маҳсулотларни моделлаштириш, лойиҳалаш ва эстетик дизайни, меҳнат маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлаш;
- объектларни ёки жараёнларни график намоиш қилиш воситалари ва шакллари, график ҳужжатларни расмийлаштириш қоидаларини ўзлаштириш;
- амалий ўқув муаммоларини ҳал қилиш учун турли хил ўқув фанлари бўйича билимларнинг ўзаро муносабатларини ўрнатиш кўникмаларини шакллантириш;
- ахборотни тақдим этиш, ўзгартириш ва улардан фойдаланиш технологияларини қўллаш, замонавий ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳасида АКТ воситалари ва воситаларини қўллаш имкониятлари ва соҳаларини баҳолаш бўйича кўникмаларни ривожлантириш;
- ҳар хил материалларни қайта ишлаш кўникмаларини шакллантириш;
- ўрганилаётган технологиялар билан боғлиқ касблар дунёси, уларнинг меҳнат бозоридаги долзарблиги тўғрисида ғояларни шакллантириш;
- бозор иқтисодиёти, истеъмолчилар талаби, иқтисодиётнинг турли соҳаларида тадбиркорлик тўғрисида ғояларни шакллантириш.

Учинчидан, "Технология" фанининг мазмунини амалга ошириш учун моддий функцияларни бажарадиган тегишли моддий-техник таъминотни замонавий талаб ва стандартлар асосида ташкил қилиш керак:

- ўқув материаллари (ўқув дастурлари, дарслик, ўқув қўлланмалар ва

бошқалар);

- замонавий ахборот ва компьютер технологиялари билан таъминланганлиги (*Техникавий таъминот* – техника воситалари, компьютер техникаси, бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларида ва ахборот тизимларида фойдаланиладиган ахборот узатиш воситалари мажмуи);
- кўргазмалар курулган ва асбоб – ускуналарининг ҳолати;
- жиҳозлар фондининг бойлиги.

Таълим тизимини модернизация қилиш билан боғлиқ ўзгаришларга эътибор қаралса ёки қаралмаса-да, ўқув жараёнининг асосий дидактик бўлинмаси дарс бўлиб қолаверади. Дарснинг самарадорлиги эса, асосан ўқув жараёнида замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш билан белгиланади. Мактаб ўқувчиларини технологик жиҳатдан тайёрлашда марказий ўрин лойиҳа технологиясига берилади, улардан фойдаланиш ўқувчиларнинг билим қобилиятини ривожлантиришга, шунингдек, муаммоларни мустақил излаш ва ҳал қилишга ёрдам беради. Ўз навбатида, кўйилган муаммоларни ҳал қилиш ўқувчидан турли илмий соҳалардаги билимларни жалб қилишни ва янгилашни талаб қилади. Лойиҳа усулини ўқув жараёнига киритиш мактаб ўқувчиларининг табақалаштирилган таълим (даража ва профиль фарқлаш) муаммоларини ҳал қилишга имкон беради.

Ишонч билан шуни айтишимизки, берилган фикр ва мулоҳазаларни амалга ошириш натижасида келажакда иқтисодиётнинг асосига айланадиган энг истиқболли тармоқларни ривожлантириш ҳамда технологик етакчиликни таъминлашга эришиш мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Хасанбоева О., Хасанбоев Ж., Хомидов Х. Педагогика тарихи. Тошкент. 2004 й.
2. Давлатов К, Воробьев А, Каримов И. Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. Тошкент. Ўқитувчи. 1992.
3. Муслимов Н. А. Шарипов Ш.С. Қўйсинов О. Меҳнат таълими ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш. Дарслик. Тошкент 2014
4. Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А., Абдуллаева Қ. Технология (6-синф). Тошкент. Шарқ. 2017. 240 б.
5. Саттарова З., Абдусаломова Н., Аҳмедова Н. Технология (9-синф). Тошкент. Ўзбекистон. 2019. 160 б.

6. Orishev, Jamshid (2021) "PROJECT FOR TRAINING PROFESSIONAL SKILLS FOR FUTURE TEACHERS OF TECHNOLOGICAL EDUCATION," *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*: Vol. 2021 : Iss. 2 , Article 16.
7. Orishev, J., & Оришева, З. (2021). “METROLOGIK O’LCHOVLAR” MAVZUSINI O’QITISHDA NOSTANDART TESTLARDAN FOYDALANISH . *Физико-технологического образование*, 2(2).
8. Orishev, J. (2020). ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ПЕДАГОГЛИК МАСЪУЛИЯТИ . *Научно-просветительский журнал "Наставник"*, 1(1).
9. Xolmatov, P., & Оришев, Ж. (2020). ДАРСДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРДА ЎҚУВЧИЛАР КАСБИЙ ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ. *Физико-технологического образование*, 1(1)
10. Orishev, J. (2020). ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЛОЙИҲАЛИ ТАЪЛИМДАН ФОЙДАЛАНИШ. *Физико-технологического образование*, 1(1)
11. Xolmatov, P., & Оришев, Ж. (2020). УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ. *Физико-технологического образование*, 1(1)
12. Ismailov T.J, Tagaev X, Kholmatov P.K, Yusupov K.Y, Alkarov K.Kh, Orishev Zh.V Karimov O.O. (2020). Cognitive-Psychological Diagram Of Processes Of Scientific And Technical Creativity Of Students. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(08), 3669-3677.
13. Убайдуллаев, С., Алибоев, Т.Ч., & Оришев, Ж. Б. (2020). МАТЕРИАЛЛАРНИ КЕСИБ ИШЛАШ АСБОБЛАР ВА ДАСТГОҲЛАР ФАНИДАН АМАЛИЙ-ЛАБОРОТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УСЛУЛАРИ .*Научное знание современности*, (11), 26-29.
14. Алибоев, Т., Оришев, Ж., & Орипова, Ф. (2016). РАЗВИТИЕ ТЕХНИЧЕСКОЕ ТВОРЧЕСТВА СТУДЕНТОВ НА УРОКАХ. In *Современные тенденции развития аграрного комплекса* (pp. 1681-1683).
15. Оришев, Ж. Б. (2019). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИМКОНИАТЛАРИ. *Интернаука*, (43-2), 70-72
16. Убайдуллаев, С., Алкаров, К. Х., & Оришев, Ж. (2017). ГАРАНТИИ ВНЕДРЕНИЯ НОВОЙ ТЕХНИКИ ПО ЭКСПЛУАТАЦИОННЫМ ПАКАЗАТЕЛЯМ. In *Научно-практические пути повышения экологической устойчивости и социально-экономическое обеспечение сельскохозяйственного производства* (pp. 1242-1245).
17. Убайдуллаев, С., Оришев, Ж. Б., & Ортиқова, О. Ш. (2019). УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМДА" ДАРСЛАРДА ЭКОЛОГИК ТАНАФФУС" ПЕДАГОГИК

ТЕХНОЛОГИЯСИГА АСОСЛАНГАН ЭЛЕКТРОН ҚЎЛЛАНМАЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ. *Интернаука*, (20-3), 62-63.

18. Низомов, Ш., & Оришев, Ж. Б. (2020). МЕТАЛЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. *Научное знание современности*, (2), 48-52.
19. Тагаев, Х., Убайдуллаев, С., Алкаров, К. Х., & Оришев, Ж. Б. (2016). ПОВЫШЕНИЕ ПАТЕНТНЫХ ЗНАНИЙ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ. In *Современные тенденции развития аграрного комплекса* (pp. 1776-1780).
20. Убайдуллаев, С., Уразов, Б. Х., Алкаров, К. Х., Олишев, Ж. Б., & Умаралиев, И. (2014). ВОПРОСЫ МОДЕЛИРОВАНИЯ ПРОЦЕССОВ ЭНЕРГЕТИЧЕСКИХ ОБЪЕКТОВ. *Актуальные проблемы современной науки*, (3), 243-245.